

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА  
ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ  
БЎЙИЧА**

**ТАВСИЯ**

**Тошкент – 2015**

Ушбу тавсия Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтининг 2015 йил 7 октябр кунидаги илмий кенгашида кўриб чиқиб тасдиқланган ва чоп этиш учун тавсия қилинган.

Унда сабзавот, полиз, картошка экинларининг навлари, уларни этишириш технологияси, касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш чоралари келтирилган.

Тавсия фермер хўжаликлари га ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари ва дехқонларга мўлжалланган. Ундан олий ўқув юрти талабалари, бакалавр, магистрлар, ёш олимлар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директори Б.А. Сулаймонов, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти ходимлари Р.А.Хакимов, М.Ў.Холдоров, Б.Б.Азимов, Ф.Ф.Расулов, Ф.К.Ганиев, Р.А.Низомов, А.Рахматов.

Тақризчи: О.Қодирхўжаев – Тошкент Давлат Аграр Университети Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси доценти, қ.х.ф.н.

## КИРИШ

Республикамизда сабзавот, полиз, картошка экинларини етиштириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг асосий мақсадлари ҳар гектар суғориладиган ердан олинадиган сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари миқдорини юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳисобига кескин оширишдан иборат. Юқори сифатли ҳосил олиш учун аввало ҳар бир экиннинг биологияси, унинг ўсуви даврида озуқага бўлган талаби, экиш муддатларини аниқ билиш ва етиштириш жараёнидаги ҳар бир тадбир ўз вақтида, сифатли ўтказилишини таъминлаш зарур.

2014 йилда Республикада 9120 минг тонна сабзавот, 1756 минг тонна полиз, 2400 минг тонна картошка етиштирилди.

Инсон ҳаётида озиқ-овқат маҳсулотларини, шу жумладан сабзавот, полиз, картошка маҳсулотларини етарли равишда ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳолини сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари билан таъминлашни кескин яхшилаш ҳамда узлуксизлигини яратиш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Сабзавот маҳсулотларининг қиймати ва инсон овқатланишидаги бебаҳо аҳамияти уларнинг таркибида одам танасининг нормал ривожланиши ва харакат қилиши учун зарур бўлган витаминлар, ферментлар, оқсил моддалар, ёғлар, углеводлар ва минерал тузлар кўп микдорда борлигидадир. Катта ёшдаги инсоннинг витамин, углевод, оқсил, кислоталар, тузларга бўлган талабини қондириш учун ҳар кеча-кундузда 70 г (37%) чорва маҳсулотларидан ва 1200 г (63%) дан кўпроқ ўсимлик, шу жумладан 500 г сабзавот маҳсулотларидан истеъмол қилиши зарур. Тиббий меъёрларга асосан ҳар бир киши йил давомида энг камида 108 кг сабзавот, 19 кг полиз, 54 кг картошка маҳсулотлари истеъмол қилиши керак.

Дехқончиликларда ишлар экиладиган сабзавот, полиз ва картошка экинларини тупроқ турига қараб жойлашни режалаштиришдан бошланади. Бунда ушбу экинларни биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда бажарилади. Сабзавот экинларини жойлаштиришда, албатта уларни алмашлаб экиш кўзда тутилиши шарт.

Сабзавотчиликда экиш муддатларини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Экиш муддатлари бир ҳафтага кечикса ҳосилдорлик 20-25% га камаяди.

Вегетация даври қисқа бўлган сабзавотлар минерал ўғитларни тезроқ, давр узун бўлганлари эса секинроқ ўзлаштирадилар. Сабзавот экинлари тупроқдаги озиқ моддаларга ва ўғитга талабчанлиги билан бошқа экинлардан фарқ қиласи. Бунинг сабаби кўпчилик сабзавот экинлари тупроқдан озиқ моддаларни жуда кўп ўзлаштиради, бунда кўпроқ калий, азот ва камроқ фосфор ўзлаштирилади.

Сабзавот экинларининг сувга бўлган талаби уларнинг илдиз тизимининг ривожланганлиги, экиш усули-кўчати ёки уруғи билан экилганлиги, экиш муддатлари, сизот сувининг чукурлиги, тупроқ унумдорлиги ҳамда тупроқ ва ҳаво ҳароратига боғлиқ.

Республикамизнинг об-ҳаво, тупроқ шароитига қараб ҳар бир вилоят учун районлаштирилган, мўл ҳосилли, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган,

зааркунанда ва касалликларга чидамли, механизмлар ёрдамида ишлов беришга мослашган, ҳар бир экиш муддати учун мос навларни тўғри танлаш лозим.

## ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Помидор ўсимлиги бўз, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда яхши ўсади. Сизот сувлари юза жойлашган, шунингдек, шўрланган тупроқлар помидор учун унчалик ярамайди, шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Карам, бодринг ва пиёз помидордан олдин экиладиган энг яхши экин хисобланади. Помидорни помидордан, қалампир, картошка, бақлажондан кейин экмаслик лозим, сабаби улар бир хил касалликларга эга. Помидор экилган ерга камида уч йилдан кейин яна помидор экиш мумкин.

**Навлар.** Помидорни маҳаллий шароитда яратилган Волгоград 5/95, Дархон, Дони, Дўстлик, Истиқлол, Сурхон-142, ТМК-22, Ўзбекистон-178, Ситора, Авиценна, чет давлатларнинг Султон F<sub>1</sub>, Садин F<sub>1</sub>, Классик F<sub>1</sub>, Вики F<sub>1</sub> нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

**Уруғларни экишга тайёрлаш.** Уруғ экишдан олдин вирус касалликларига қарши 48 соат давомида 50-52°C ва 24 соат 80°C қиздирилади, кейин 3 минут 5% ли шўр сувда сараланади. Ташқари инфекция ва касал чақиравчиларни йўқотиш учун экишдан 5-15 кун олдин уруғлар ТМТД (1 кг уруғга 6-8 г) ёки фентиурам (1 кг га 4 г) билан дориланади.

**Кўчат тайёрлаш.** Кўчатларни етиштириш учун чуқурлиги 0,5м, кенглиги 1-1,2 м ва узунлиги ихтиёрий равишда хандаклар қазилади. Хандакларга 15-20 см қалинликда чиrimаган гўнг, унинг устига 20 см қалинликда эланган тупроқ солинади ва полиэтилен плёнка тортилиб ҳар 10x10 см оралиқда тешиб чиқилади. Унинг устига 40% тупроқ+ 40% чириган гўнг + 20% ёғоч, шоли қипиғи ёки қумдан иборат аралашма тайёрланиб 8-10 см қалинликда солинади ва текисланади.

Ҳар гектар очиқ майдонга етарли (55-60 минг) миқдорда кўчат етиштириш учун 140-150 м<sup>2</sup> майдон талаб этилади.

Помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари уруғини сепишнинг муқобил муддатлари қуйидагича: февралнинг иккинчи ва учинчи ўн кунлиги, ўртапишар ва ўрта кечпишар навларининг уруғи кечки маҳсулот олиш учун мартнинг биринчи ўн кунлигига сепилади.

Ҳар бир гектар майдонга кўчат тайёрлаш учун 350-400 грамм ҳисобида уруг сепилади. Кўчатларни кўчириб экиш усулида ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонга 10 г уруғ, кўчирмай жойни ўзида етиштиришда ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонга 2,0-2,5 г ҳисобида уруғ сепилади.

Сепилган уруғлар устига 0,7-1,0 см қалинлиқда чиринди ва қипиқ аралашмаси солинади ва сув сепилади. Уруғ сепилган хандакларни устига

тол новдалари ёки симлардан тайёрлангак ёйлар қадаб чиқилади ва полиэтилен плёнка билан ёпилади. Иссикликни сақлаш учун 2 қаватли термос шаклида ёки плёнка устига қамиш ёки похолдан түқилган тұшамалар ёпиш мумкин. Плёнка қопламалари тагини ёритгич мосламалари билан иситиш хам мумкин.

Күчатларни күчириб ўтказиши усулида уруғлар ердан униб чиққаң 2-3 тадан чин барғы пайдо бўлган даврида уларни озиқа майдони кенгайтирилиб, 5x6 см оралиқда күчириб экиб парваришиланади. Күчириб экилган ниҳоллар тутиб олгач орадан 10-12 кун ўтгандан кейин уларни биринчи озиқлантириш тадбири бажарилади. Бунда хар 10 литр сувга 13-15 грамм азотли, 18-20 грамм фосфорли ва 15-20 грамм калийли ўғитлар солиб эритилади ва суғорилади. Ушбу эритма хар  $3-3,5 \text{ м}^2$  майдондаги күчатларни озиқлантириш учун сарфланади. Күчатларни иккинчи озиқлантириш эса уларни далага экишдан 15-18 кун олдин амалга оширилиб, бунда юқорида таъкидланган ўғитлар микдори икки маротаба кўпроқ қўшилган холда бажарилади.

Тайёр бўлган помидор кўчатларини ҳар бирининг узунлиги ўртacha 16-18 см ва улардаги барглари сони 6-8 тадан бўлган даврида очик майдонларга экилади.

**Ерни экишга тайёрлаш.** Помидор экиш режаланган майдонларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланиб, ҳосилдан бўшаган майдондаги йирик ўсимлик қолдиқларини СИ-1,8 майдалагичи билан майдалаб сочиш, сўнг РТП-5 русумли маҳаллий ўғит сепиш мосламаси ёрдамида гектарига 25-30 тонна гўнг сочиб чиқилади. Минерал ўғитлардан фосфор ва калийнинг йиллик меъёрининг 75% РМУ-0,75 мосламада сочиб чиқилиб, кейин майдонни 28-35 см чуқурликда хайдалади. Экишга тайёрлашни кейинги тадбирлари экишдан олдин бажарилиб, майдонлар 14-16 см чуқурликда чизеллаб чиқилади ва мола босилади. Молалашдан кейин КХО-3,6 ёки КОН-2,8А русумли юмшатгичлар билан нишабли майдонларга 70 см қатор оралиғида, текис ер ости суви яқин бўлган майдонларга эса 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

**Кўчат экиш ва парваришилаш.** Ёши 40-45 кунлик помидор кўчати эртапишар навлар апрелнинг I-ўн кунлигига, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг II-III ўн кунлигига ҳамда майнинг I-II ўн кунлигига экилади. Помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари у қадар нишаб бўлмаган далаларда 70x25 (30) см, текис майдонларда 90x25(30) см, узун палакли навлар 90x40 см тизимида экилади. Экилгандан кейин кўчатларни албатта суғориш зарур.

Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилгач 10-12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва лентадан кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади.

Биринчи парваришилашдан 12-15 кун ўтгач, иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгач, иккинчи ишловга, культивациялашга киришилади. Культивациядан сўнг чопик қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ помидор кўчатининг атрофига

босилади. Бу ишларни механизация ёрдамида ўтказиш учун ўғитлаш пайтида тупроқ уйгич ерга чукур солинади.

Помидор ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл хосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатlam хаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун эгат оралатиб қўйилади.

**Помидорни қўчатсиз қора плёнка билан мулчалаб етиштириш технологияси.** Эни 50 см кенглиқдаги қора полиэтилен плёнка билан экиш эгатлари мулчаланади. Плёнканинг ҳар икки тарафидан 10 см қисми тупроқ билан ёпилади. Плёнканинг эгат юзасидаги очиқ қисмини симметриясидан ҳар 30 см оралиқда 2,0-2,5 см кенглиқда тешилиб, 1,5-2,0 см чукурликда помидор уруғлари экилади. Қора плёнка экилган уруғларини эрта ва тўлиқ униб чиқишини таъминлайди.

Майдоннинг плёнка билан ҳимояланган қисмida бир йиллик бегона ўтларни униб чиқиши ва ўсиб ривожланиши тўхтайди, тупроқ юмшоқ ва нам ҳолда сақланади. Суфоришлар сони икки марта қисқаради. Ўсимликларнинг илдиз қисми бақувват бўлиб ривожланади, тупроқнинг чукурроқ қатламигача ўсиб бориши таъминланади. Помидор ўсимликларини курғоқчиликка ҳамда касаллик ва заараркундаларга чидамлилигини оширади.

**Экиш схемаси:** 70x30 см, (140x30)2 см. Ўсимликлар сони - 47,6 минг дона/га. Экиш муддати: 20 март - 5 апрел. Плёнканинг қалинлиги-12-15 мк. Плёнка сарфи - 100 кг/га.

Томатдош экинларни қўчатлар орқали етиштиришга нисбатан уруғлари билан экиб, қора плёнка орқали мулчалаб парваришлиш усулини қўллашда 20 дан ортиқ технологик жараёнлар қисқаради, сув сарфи 15-20% иқтисод қилинади ва ҳосилдорлик 18-20% ошиши таъминланади. Кўчат етиштириш учун кетган сарф-харажат қисқаради.

**Помидорни ўғитлаш.** Ўтлоқ ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларга гектарига 20 тонна гўнг, N<sub>160</sub>P<sub>120</sub>K<sub>80</sub> кг солиниши тавсия этилади. Азот карбамид ёки сульфат аммоний, фосфор эса аммофос, калий эса калий хлор қўринишида бериш тавсия этилади.

Минерал ўғитлар тук холатида қуйидагича солинади:  
карбамид - гектарига 440 кг, аммофос - 261 кг, калий хлор - 160 кг.

Агар азот сульфат аммоний қўринишида берилса, у ҳолда бу ўғитнинг микдори гектарига 760 кг бўлади. Ўғитлар қуйидаги муддатларда берилади. Ҳайдовдан олдин аммофос - гектарига 196 кг, калий хлор - 120 кг.

**Биринчи озиқлантиришда** – қўчатлар тутиб олгандан сўнг уларни тез ўса бошлаган даврда:

аммофос - гектарига 64,8 кг, калий хлор – 40 кг, карбамид-220 кг ёки сульфат аммоний - гектарига 380 кг бериш тавсия этилади.

**Иккинчи озиқлантиришда** - ўсимликнинг биринчи ва иккинчи тўпгулни ялпи гуллаши даврида: карбамид гектарига - 220 кг ёки сульфат аммоний гектарига 380 кг бериш тавсия этилади.

**Бўз тупроқлар.** Помидор етиштиришда суфориладиган бўз тупроқлар гектарига 20 тонна гўнг берилганда тупроқка N<sub>200</sub>P<sub>150</sub>K<sub>100</sub> солиниши тавсия этилади.

Экологик тоза маҳсулот олиш ва азот ўғитларини 50% га камайтириш учун кўқ масса берадиган экинлар (сидерат)лар қўллаш мумкин. Шунингдек, органик ўғит турларидан биогумус - гектарига 8 тонна, вермигум 8 тонна, органик микробиологик ўғит - 20 кг, биоазот-гектарига 2 литр қўллаш самарали ҳисобланади.

Биогумус, вермигум ва органик микробиологик ўғитларни биринчи озиқлантирища эгатларга минерал ўғитлар билан биргаликда, биоазотни эса суғориш суви билан бериш мумкин.

**Помидорни суғориши.** Помидор кўчати учун тупроқнинг тўйинган дала нам сифимиға нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 75-80%, бўлиши лозим. Кўчат қилиб ўстирилган ва ер юзида илдизлар ҳосил қилган ўсимликлар, уруғдан экилиб илдизлари бир мунча чукур тараған экинларга қарагандা сувга анча талабчан бўлади. Помидорни сизот суви юза ерларга экиш ярамайди. Помидор қуруқ иқлим шароитида ўстирилганда ҳамма вақт тупроқ сернам бўлиб туришини ҳоҳлайди.

Сизот суви чукур жойлашган ерларда помидор ўсув даври мобайнида суғориша ҳар гал гектарига 500 - 600 м<sup>3</sup> ҳисобидан 18-20, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда 12-15 марта суғорилади. Аммо бундай ерларда гектарига 600-800 м<sup>3</sup> ҳисобидан сув бериш керак.

Сизот суви чукур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 10-12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5-7 кунда суғорилади. Куз бошлангандан кейин экин камроқ суғорилади. Помидор қийғос пишганда ёрилиб кетмаслиги учун навбатдаги ҳосил териб олингандан кейин сув берилади.

## ШИРИН ҚАЛАМПИР ва БАҚЛАЖОН ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Ширин қалампир ва бақлажон ўсимлиги бўз, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда яхши ўсади. Сизот сувлари юза жойлашган, шунингдек, шўрланган тупроқлар унчалик ярамайди, шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Карам, бодринг ва пиёз энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

**Навлар.** Ширин қалампирнинг маҳаллий эртапишар Наргиза, Сабо, Тонг, Жайхун F<sub>1</sub>, ўртапишар Заря Востока, Дар Ташкента ва чет мамлакатларни Дерби F<sub>1</sub>, Джемини F<sub>1</sub>, Техас F<sub>1</sub> нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Бақлажоннинг маҳаллий Аврора, Сурхон гўзали, Феруз, Замин F<sub>1</sub> хамда чет мамлакатларни Фарама F<sub>1</sub>, Фабина F<sub>1</sub>, Пантерра F<sub>1</sub> нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

**Кўчат тайёрлаш.** Ширин қалампир ва бақлажон уруғини экишнинг муқобил муддати февралнинг II-III ўн кунлиги.

Ҳар бир гектар майдонга кўчат тайёрлаш учун 600 г ҳисобида уруғ сепилади. Кўчатларни кўчириб экиш усулида ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонга 25-30

г ууруф, күчирмай бир ижойни ўзида етиштиришда ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонга 4-5 г ҳисобида ууруф сепилади. Бунда тупроқ ҳарорати +14 -16°C дан, ҳаво ҳарорати эса +28 -30°C дан паст бўлмаслиги лозим. Тупроқ намлиги 80 - 85% бўлиши керак. Кўчат етиштириш жараёнлари помидор экини каби амалга оширилади.

Тайёр бўлган ширин қалампир ва бақлажон кўчатларини ҳар бирининг узунлиги ўртача 16-18 см дан ва улардаги барглари сони 5-6 тадан бўлган даврида очик майдонларга экилади..

**Экиш муддатлари ва экиш схемаси.** Ширин қалампир ва бақлажон кўчатларини апрелнинг II-III ўн кунлигига экиш тавсия этилади.

Кўчатларни 70x30 см ёки 70x40 см тизимида, ер ости сувлар яқин бўлган ерларда 90x25 см тизимида экилади.

Ерни экишдан олдин тайёrlаш, экиш ва парваришлаш жараёнлари помидор экининикига ўхшаш.

**Ўғитлаш.** Ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда гектарига 15 тонна гўнг, N<sub>160</sub>P<sub>120</sub>K<sub>80</sub> кг солиши тавсия этилади. Азот карбамид ёки сульфат аммоний, фосфор эса аммофос, калий эса калий хлор кўринишида бериш керак.

Минерал ўғитлар тук холатида қўйидагича солинади: карбамид - гектарига 330 кг, аммофос - 261 кг, калий хлор-160 кг. Агар азот сульфат аммоний кўринишида берилса, у ҳолда бу ўғитнинг миқдори гектарига 760 кг бўлади.

Ўғитлар қўйидаги муддатларда берилади:

Кузги хайдовдан олдин: аммофос- гектарига 196 кг, калий хлор – 120 кг.

Биринчи озиқлантиришда – кўчатлар тутиб олгандан сўнг улар тез ўса бошлаган даврда: аммофос - гектарига 64,8 кг, калий хлор - 40 кг, карбамид - 165 кг ёки сульфат аммоний - гектарига 380 кг берилади.

Иккинчи озиқлантиришда ўсимликнинг ялпи гуллаш ва мева тушишининг бошланиш даврида: карбамид гектарига - 235 кг ёки сульфат аммоний - 380 кг бериш керак.

Бўз тупроқларда ширин қалампирни етиштиришда гектарига 20 тонна гўнг берилганда тупроқка N<sub>200</sub>P<sub>150</sub>K<sub>100</sub> солиниши тавсия этилади.

**Суғориш.** Ширин қалампир сернам ва оғир тупроқларда яхши ривожланмайди. Шунинг учун ялпи меваси туга бошлаганда қатор оралатиб, иложи борича чуқур ариқлар олиб суғориш зарур. Илдиз бўғзи намланиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ўсимлик илдиз чириш билан касалланади. Ўсув даври мобайнида тупроқ намлиги 75 - 80% бўлишини таъминлаш учун суғоришни ҳар 6-10 кунда олиб бориш керак. Ҳосилни ҳар 6 - 8 кунда териш мумкин.

## БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Бодринг экинини экиш учун унумдор, органик моддаларга бой, нам сифими юқори, сизот сувлари юза жойлашган ерлар танланади.

Уларга енгил, юмшоқ тупроқлар ниҳоятда мос келади. Шўрланган ерларда бодринг қониқарли даражада ўса олмайди. Шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Алмашлаб экишда улар учун картошка, карам, сабзи, лавлаги энг яхши экин ҳисобланади. Биринчи йили ҳайдалган кўриқ ерларда ҳам бодринг мўл ҳосил беради. Полиз ва томатдош экинларидан кейин бодринг экилмагани маъқул. Улар бир ерда икки йилдан ортиқ экилмаслиги ва шу ерга уч йилдан кейин қайта экиш мумкин.

**Навлар.** Бодрингнинг маҳаллий Ранний - 645, Ўзбекистон-740, Зилол, Наврӯз, Омад, Талаба навлари ва чет мамлакатларни F<sub>1</sub> дурагайларидан Амур, Алиби, Регал, Супериналардан иборат.

**Уруғни экишга тайёрлаш.** Бодринг уруғи эрта баҳорда экилса, унда куруқ уруғлар билан экилади. Агар тупроқ яхши қизиган бўлганда экишдан олдин уруғ бир сутка давомида алмаштириб туриладиган сувда ивитилади ва ўзи тўкиладиган ҳолатгача куритилади. 1 кг уруғга 4-6 г ТМТД препаратини пуркаш тавсия этилади.

**Экиш муддатлари ва экиш схемаси.** Эртаги бодринг 10-20 апрелда, ўртаги муддатда 1-10 майда, кечки бодринг 15-30 июнда экилади. Эртаги маҳсулот етиштириш учун плёнкали ёпқичлар остига март ойининг 2 - 3 ўн кунликларида 70+140x40 см оралиқда уруғ ташланади. Очиқ майдонда СБУ-2,4А сеялкада 70x30, 90x20 см тизимида 4-5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига 4 - 5 кг.

**Парваришлаш.** Униб чиқиб ниҳоллар уруғ палла баргчалари даврига киргандан кейин биринчи, битта чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта ягана қилинади.

Қатор ораларига КРН -4,2, КХУ - 4А -05 культиватори билан 15-16 см чуқурликда ишлов бериб, ўсимлик атрофини мунтазам юмшатиб туриш, минерал озиқ ва сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнида ҳар икки-уч суғоришдан кейин қатор ораларини 15-16 см чуқурликда культивация қилинади.

**Ўғитлаш.** Бўз тупроқларда гектарига 20 тонна гўнг билан N<sub>150</sub>P<sub>100</sub>K<sub>75</sub> бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитлар сульфат аммоний ёки карбамид кўринишида берилади. Фосфорли ўғитлар аммофос, калий ўғити калий хлор кўринишида берилади. Гектарига N<sub>150</sub>P<sub>100</sub>K<sub>75</sub> берилганда тукда қўйидагича: сульфат аммоний - 571 кг ёки карбамид-330 кг, аммофос-217кг, калий хлор- 150 кг бўлади.

Ерга асосий ишлов берилаётганда органик ўғитнинг ҳамма миқдори, фосфор ва калийнинг 75% берилади.

Биринчи озиқлантириш ўсимликнинг 2-3 чинбарг чиқарган даврида берилади. Бу озиқлантиришда азотнинг 10% , фосфор ва калийнинг қолган 25% берилади. Иккинчи озиқлантириш оналик гулларининг ялпи гуллаган даврида азотнинг 45% берилади. Учинчи озиқлантириш иккинчи ёки учинчи теримдан кейин берилади. Бу озиқлантиришда азотли ўғитнинг қолган 45% берилади.

Ўтлоқи ёки ўтлоқи ботқоқ тупроқларда бодринг етиштириш учун

гектарига N<sub>120</sub>P<sub>80</sub>K<sub>60</sub> кг бериш тавсия этилади.

**Бодрингни суғориши.** Сувга талабчанлиги жихатдан бодринг сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда турадиган экинлар қаторига киради. Найчалаш ва меваси етилган даврда бодринг сувни айниңса кўп талаб қилади.

Кўкламда экилган бодрингнинг ҳосил тўплаш ва ўсув даври одатда кечкисига қараганда узоқроқ давом этади. Экиннинг найчалаш – ҳосил тўплаш даври ёзниң иссиқ пайтига тўғри келади. Ҳар қайси фазада ҳар-хил микдорда сув талаб қилиши, ҳарорат шароитини эътиборга олиб сизот суви чукур жойлашган ерларда кўкламда экилган бодринг ҳар 7-8 кунда сугориб турилади. Ҳосил тўплаш даври бошланиши билан оқин тез-тез, ёппасига ҳосилга кирганда эса ҳар қайси теримдан кейин, яъни камида 2-3 кун оралатиб сугорилади. Ана шундай қилинганда сизот суви чукур участкаларда эртаги бодрингга ўсув даврида 16-18, юза ерларда эса камроқ, 9-11 марта сув берилади.

Июннинг охири – июлнинг бошларида экилган кечки бодрингнинг ўсув даври нисбатан қисқа бўлади. Ўсув даврининг бошланиши ёзниң иссиқ пайтига, ҳосил тўплаш даври эса кузги салқин тушган вақтга тўғри келади. Шунинг учун кечки бодринг ўсув даврида бир меъёрда, яъни ҳар 6-7 кунда сугориб турилади. Бодринг уруғи ерга экилиши билан кетма-кет сугорилади, бунга қўшимча қилиб яна уруғ суви ҳам берилади. Шунда майсалар барвақт ва қийғос кўкаради. Кечки бодринг ўсув даврида сизот суви чукур ерларда 10-11, юза жойларда эса 8-9 марта сугорилади.

## ОҚ БОШ КАРАМ ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Карам органик моддаларга бой, салқин, сув сифими яхши ўғитланган қорамтири үтлоқ ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган карам унча яхши ривожланмайди. Шўрланган ва ботқоқланган ерлар карам экишга унчалик ярамайди. Шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Картошка, бодринг, полиз экинлари ва дондуккакли ўсимликлар карам учун яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Карамдан олдин пиёз, кўк нўхот ва сабзиларни экса ҳам натижаси яхши бўлади. Карамни карамлардан, салат, брюква, труп, шолғом, редис, хрен ва қатрондан кейин экиб бўлмайди. Карам экилган ерга орадан камида 3 йил ўтгандан кейин яна карам экиш мумкин.

Кечки карамни эртаги картошка, сабзи, бодринг, ош лавлагидан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида экиш мумкин.

**Навлар.** Оқ бош карамни эртапишар чет эл Лион, Фарао F<sub>1</sub>, Бурбон F<sub>1</sub>, Назоми F<sub>1</sub>, дурагайлари ва маҳаллий ўртапишар Тошкент-10, Термез-2500, Саратони, кечпишар Шарқия-2, Ўзбекистон судъяси навлари экишга тавсия этилади.

**Кўчат тайёрлаш.** Экиладиган уруг 3-5 фойизлик ош тузи эритмасига 1 соат давомида солиб қўйилади. Эритма остига чўккан уруғларни тоза сув

билингдан кейин 2-3 маротаба ювиб, сўнгра уларни ёйиб қуритилади.

Ҳар 1 га очик майдонга экиш учун етарлик микдорда карам кўчати тайёрлашга 350-400 грамм ҳисобида уруғ сарфланади.

Кўчатхонада майсалар чиққандан сўнг орадан 15-18 кун ўтгач, яъни майсаларни ер устки қисми 5-7 см гача ўсиб, уларда 1-2 та дан чин барг пайдо бўлгач уларни сифатли ва баққуват бўлиб етилиши учун бошқа жойга озиқа майдонларини ( $4 \times 5$  ёки  $5 \times 5$  см) кенгайтириб кўчириб экилади. Улар тўлиқ тутиб олгач орадан 10-12 кун ўтгач майсалар биринчи марта озиқлантирилади.

Озиқлантиришда ҳар 10 литр сувга 13-15 грамм азотли; 18-25 грамм фосфорли ва 15-20 грамм калий ўғитлари солиниб эритилади ва ушбу эритма ҳар  $3-3,5\text{m}^2$  майдондаги кўчатларни озиқлантириш учун сарфланади.

Карам кўчатлари иккинчи марта очик майдонга экишдан 15-18 кун олдин озиқлантирилади. Бунда 10 литр сувга маданий ўғитлар микдори икки марта кўпроқ солиниб амалга оширилади.

Тайёр бўлган карам кўчатларининг ёши 40-45 кунлик ва узунлиги ўртacha 14-16 см ва барглар сони 6-7 тадан бўлганда очик майдонга экилади.

**Экиш муддатлари ва экиш схемаси.** Эртапишар карам навларининг кўчати 25 феврал-10 мартда, ўртапишарларники 15 апрел-1 майда, кечпишарларники 15 июн-10 юнда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Эртаги карамнинг мўлжалланган вақтида чиқариш ва ҳосили мўл бўлиши учун биринчи навбатда уни экишга мос жой танланади. Эртаги карам экиладиган ер кузда тайёрлаб қўйилади. Кузда тайёрлаб қўйилган эгатларга экилганда ҳосили 8-10 кун илгари етилади ва 20%га кўпаяди. Эртаги карам  $70 \times 25$  (30) см тизимида экилади.

**Парваришлаш.** Кўчат экилиб бўлгандан кейин дала кетма - кет суғорилади. Орадан 2-3 кун ўтгач кўчат ўтказилган эгатлар текширилади, хато жойларга яна кўчат экилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатнинг оралари культивация қилинади. Культивациядан сўнг кўчат атрофи юмшатилади ва биринчи марта ўғит берилади. Иккинчи культивация экин бир суғорилгандан сўнг ўтказилади. Эртаги карам икки марта чопик қилинади.

Ўртаги карам кўчати билан ўтказилади ёки уруғи тўғридан - тўғри далага экиб етиштирилади. Ўртаги карам уруғини 1-10 апрелда тўғридан - тўғри далага экиш мумкин.

Кечки карам такорий экин сифатида экилади. Эртаги экин ийғишириб олингандан кейин ер хайдаш олдидан суғорилади, сўнг 28-30 см чуқурликда хайдалади. Ўртаги ва кечки карам кўчати  $70 \times 40$  см ёки кечкилари  $90 \times 40$  см схемада экилади.

Кўчатлар экиб бўлингандан кейин 1-1,5 хафта ўтказиб биринчи ялпи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН - 4,2 культиватор билан 15-16 см чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъдан ўғитлар билан озиқлантирилади ва сув берилади. 20 - 25 кундан кейин яна бир марта ялпи ишлов берилади.

**Ўғитлаш.** Сабзавотлар ичидаги оқ бош карам тупроқ унумдорлигига

маъдан ўғитларга ўта талабчан. Эртаги оқ бош карамдан сизот сувлари чуқур жойлашган қадимдан суғориб келинаётган бўз тупроқларда гектаридан 20-30 тонна хосил олиш учун ўртача 150 кг азот, 100 кг фосфор, 50 кг калий берилиши керак.

Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда етиштирилганда эса ўртача гектарига 120 кг азот, 80 кг фосфор, 60 кг калий солиш керак.

Бошоқли дондан ёки бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан сўнг такроран кечки муддатда оқ бош карамдан ўртача 30-35 тоннадан хосил олиш учун қуидаги миқдорда маъдан ўғитларни солиш лозим бўлади.

- қадимдан суғориб келинаётган типик бўз тупроқларда гектарига ўртача 240 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг соф калий берилади.

- ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда етиштирилганда эса 200 кг азот, 160 кг фосфор, 120 кг соф калий берилади.

Шўрланган, тақир тупроқларда оқ бош карам етиштиришда энг мақбул бўлган маъдан ўғитлар қуидагилардир.

Азот ўғитларидан карбамид, фосфор ўғитларидан аммофос, суперфосфат, калий ўғитларидан эса нитрат калий ўғитидир. Ўсимликни калийга бўлган талабини қондириш учун органик ўғитлардан шарбат усулида суғориб фойдаланиш мумкин. Сульфат калий, калий хлорид тузларини берилади. Бу эса хосилга салбий таъсир этади, маҳсулот сифатини ёмонлашишига сабаб бўлади.

Ўғитларни бериш муддати. Йиллик фосфор ўғитларини 70-75% миқдори, калийни 50% ерга асосий ишлов берилади, қолган 25-30% фосфорни 50% азот билан биргаликда карам қўчати тўлиқ тутиб олгандан сўнг, биринчи комплекс ишлов олдидан қатор ораларига ўсимликларга яқинроқ берилади. Қолган азотни 50%, калийни 50% билан биргаликда карам боши ўрай бошлаганда ўсимликка яқинроқ қилиб берилади. Оқ бош карамни юқорида кўрсатилгандек ўғитлаш, ўғитлардан самарали фойдаланишга, хосилни кўпайишига, уни сифатини яхшиланишига олиб келади.

**Суғориш.** Бўз тупроқли ерларда эртаги карамга 8-10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6-8 марта сув берилади. Суғориш меъёри гектарига  $500 - 550 \text{ м}^3$ .

Ўртаги карамга ҳар сафар 7 - 9 кун ўтказиб туриб, жами 14 - 15 марта сув берилади. Кечки карам ўсув даврининг бошларида 7-10 кун оралатиб, кузга яқин эса 10-12 кун оралатиб суғориб борилади.

## ПИЁЗ ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Пиёз учун механик таркиби енгил бўлган қумоқ ва қумлок тупроқлар яхши ҳисобланади. Шўрланган ва ботқоқланган ерларда у ёмон ўсади. Шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади.

Пиёздан энг юқори хосил енгил оч бўз тупроқларда ўстирилганда олинади. Бўз тупроқларда ўстирилганда айниқса юқори хосил олинади.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Алмашлаб экишда далани ўтдан тозалаш имконини берадиган карам, картошка, помидор ва бодринг экинлари пиёз

учун энг яхши экин ҳисобланади. Беда бузилгандан ёки гўнг солингандан 2-3 йилдан кейин пиёз экилиши мумкин. Илдизмевалилар ва пиёздан кейин пиёзни экиш мумкин эмас.

**Навлар.** Пиёзни маҳаллий шароитда яратилган эртапишар Сумбула, Оқ дур, Зафар навлари ва чет мамлакатларни Дайтона F<sub>1</sub>, Лион F<sub>1</sub>, Родар F<sub>1</sub>, Рольф F<sub>1</sub> нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

**Экиш муддатлари.** Пиёз уч муддатда эрта - баҳорги, ёзги - кузги ва тўқсонбости қилиб экиласди. Баҳорги муддатда пиёз 20 феврал-10 март, тўқсонбости муддатда 15 ноябр-15 декабр, ёзги-кузги муддатда 15 август -10 сентябрларда уруғи сепиласди.

Пиёз уруғи гектарига баҳорги муддатда 12-15 кг, ёзги - кузги ва тўқсонбости муддатда 20 кггача сарфланади. Пиёз уруғи СОН-2,8 ёки СКОН-4,2 сеялка билан экиласди. Пиёз уруғи 2-3 қаторли лентасимон усулда техникани базали изи 180 см бўлганда 60+15+15 см, 140 см -40+15+15 см ёки 50+20 см, 120 смда 45+15 см схемада экиласди. Уруғлар ерга 1,5 - 2 см чуқурликка кўмилади.

Пиёзни баҳорда экиш учун кузда жуяклар олиб қўйилади. Ёзги-кузги ва тўқсонбости муддатларда пиёз ўртаги, ёзги сабзавот ва картошка ҳосили йиғиштириб олингандан ҳамда ғалладан бўшаган ерларга сепиласди.

Пиёз икки-уч марта дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган 16-18 смли товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-4,2 культиватори билан ерни 15-16 см чуқурликда юмшатиб йўқотилади.

**Ўғитлаш.** Пиёз ўсимлиги патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз системаси асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озиқа элементларни қўп бўлишини талаб қиласди.

- Бўз тупроқларда пиёздан 30-40 тонна хосил олиш учун ҳар гектар ерга ўртacha 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий бериш керак.

- Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда эса 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий бериш тавсия этилади.

Турли муддатларда экиб пиёзбоши етиштирилганда бериладиган маъдан ўғитлар орасида деярлик тафовут бўлмайди. Ўғитларни бериш муддати: фосфор ўғитни йиллик миқдорини 70-75% ерни асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот ўғитини эса вегетация даврида озиқлантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш пиёз ягоналаб, ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса илдизмевалар шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди.

**Сугориш.** Пиёз ҳаво нами паст жойларда яхши ўсади, аммо тупроқнинг сернам бўлишини ҳоҳлайди. Пиёзнинг барг шапалогини кичиклиги ва сувни тежаб-тергаб сарфлашига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаганлигидан тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда

кучли. Уруғ униб чиқаётган ва пиёз боши шакланаётган даврда экиннинг сувга талаби айниқса ошади. Фақат ўсув даврининг охирида ва пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди. Бу даврда тупроқ ҳаддан ташқари сернам бўлса, пиёз кечроқ етилади ва уни узоқ сақлаб бўлмайди. Тупроқ нами етишмаса, пиёз бошининг катталашиши сустлашади, ўсув даврини барвақт тугаллайди, камбарг ва пиёзбоши майдада бўлади, натижада ҳосилдорлик кескин камаяди.

Пиёзниң суғориш тартиби экиш муддатига қараб турлича бўлади. Қишига яқин ва баҳорда сепилган пиёз майсалари кўрингандан кейин суғорилади. Биринчи сув одатда баҳорги ёғин-сочин тўхтагандан кейин берилади. Кўклам серёғин келган йилларда бу муддат апрелнинг иккинчи ярмига, курғоқчил келган йилларда эса апрелнинг бошларига, айрим ҳолларда эса ҳатто, мартнинг охирига тўғри келади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўзтупроқли ерларда кўкламнинг охири ёзниң бошларида пиёз ҳар 7-10 кунда суғорилади.

Пиёзни тез-тез суғориш то пиёз боши шаклланишининг охиригача давом эттирилиб, янги барг ўсиб чиққандан сўнг тўхтатилади. Пиёзбошининг ўсиши тўхтагандан кейин экин 12-14 кун оралатиб икки марта суғорилади ва йиғиб-териб олишга бир ой қолганда суғориш тўхтатилади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда қишига яқин ва кўкламда экилган пиёзни ўсув даврида 11-13 марта, сизот суви яқин бўлган участкаларда 7-9 марта суғориш керак.

Август пиёзи экилиши биланоқ кетма-кет суғорилади. Уруғни қийғос ундириб олиш учун уруғ суви берилади. Бунда сув жилдиратиб оқизилиб марзанинг тепаси қорайгунча тўхтатилмайди. Шунда тупроқ бир текис намиқиб урганинг ёппасига кўкариши учун шароит яратилади. Ўсимлик яхши илдиз отиб ўзини обдон ўнглаб олгунича (кеч кузгача) сувдан қолдирмайди. Шу мақсадда август пиёзи кузги ёғингарчилик бошлангунича ўсув даврида уруғ сувидан ташқари яна икки марта суғорилади. Кузги-қишики пиёз кўкламда апрел ойидан бошлаб, яъни ёғин-сочин тўхтагандан кейин, кўклам-ёзда эса баҳорда экилган пиёз каби суғорилади. Юқорида айтилганидек, пиёз илдизлари тупроқнинг юза қатламига таралишини ҳисобга олиб ҳар галги суғоришда гектарига 400-500 м<sup>3</sup> ҳисобидан сув берилади.

## САБЗИ ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Сабзавот илдизмевалар органик моддаларга бой ўтлоқ тупроқлар, ўғитланган қумоқ, енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади. Шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади. Ботқоқ ва шўр ерлар кўпчилик илдизмева ўсимликларига тўғри келмайди.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Сабзи ўсув даврининг дастлабки пайтларида жуда секин ўсади ва бегона ўтлар босиб кетади. Шу сабабли уларни бегона ўтлардан тозалайдиган картошка, бодринг, карам, помидор экинларидан кейин экиш тавсия қилинади. Кўп йиллик ўтлар ҳайдалган

ерларга, полиз экинлари, пиёз ва илдизмевали сабзавотлардан бўшаган ерларга уларни экиб бўлмайди. Эртаги картошка ва сабзавотлардан бўшаган ерларга тақорий экин сифатида илдизмевали экинларни экса бўлади.

**Навлар.** Сабзини маҳаллий эртапишар Мшак-95, ўртапишар Мирзои сариқ-304, Мирзои қизил-228, Фаровон ва чет мамлакатларни Нантская-4, Шантане-2461, Карсон нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

**Экиш муддатлари ва экиш схемаси.** Баҳорги сабзи 1 - 15 март, ёзгиси 10 июндан 10 июлгача, тўқсонности муддатда 10 ноябр - 10 декабрда СКОН-4,2, СММ-4 маркали сеялкалар билан 1,5-2 см чуқурликка 52x8, 62x8 см схемада сепилади. Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг.

**Парваришилаш.** Сабзини парваришилаш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири уруғни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи ниҳоллари тупроқ доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кунда униб чиқади.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Даствлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиши учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши, экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кг бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фюзилад Супер 12,5 фойизли препаратини гектарига 1-2 кг хисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

**Сабзини ўғитлаш.** Сабзи ўсимлиги бошқа сабзавотлар каби тупроқ унумдорлигига, асосий озиқа элементларига талабчандир. Озиқа элементлари тавсия этилган микдорда берилганда юқори хосил олиш имкони бўлади.

Буз тупроқ ерларда эртаги сабзидан гектаридан 25-30 тоннадан хосил олиш учун соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 45 кг калий солиши керак; ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда соф ҳолда 120 кг азот, 70 кг фосфор, 40 кг калий бериш керак.

Фосфор ўғитини йиллик микдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади.

**Сугориш.** Сабзи ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан сугоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак.

Кузда ва кўкламда экилган сабзи апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб сугорилади. Даствлабки пайтларда экин ҳар бир ярим-икки ҳафтада, майнинг

иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал суратда катталашаётганда эса ҳар 7-8 кунда суғорилади. Ҳосил етилиб, йиғим-терим пайти яқинлашганда суғориш тўхтатилади.

Сизот суви чукур жойлашган ерларда эртаги сабзи ўсув даврида 8, сизот суви юза далаларда эса 5-6 марта суғорилади.

Кечки сабзи ёзниг энг иссиқ пайтида, яъни июн охири июл бошларида сепилади, уларнинг илдизмева ҳосил қилиш даври кузги салқин кунларга тўғри келади. Шунинг учун кечки сабзи уруғи сепилгандан кейин 2-3 кунгача марзанинг тепаси қорайгунча сув қўйилади. Орадан 2-3 кун ўтказиб, яна уруғ суви берилади. Бунда тупроқ намини ҳисобга олиб, суғориш муддатини бир суткадан ошириб бўлмайди. Уруғ суви майсалар қийғос кўкарғунча берилади. Сабзи уч-тўрт марта суғорилганда майсалар ёппасига кўринади. Шундан кейин сентябргача ҳар 7-8, сентябрда эса ҳар 10-12 кунда суғориб туриш лозим. Сабзи шу тартибда суғориб борилса, сизот суви чукур жойлашган ерларда мавсумда 11-12, сизот суви юза участкаларда 6-8 марта сув ичади.

## ОШ ЛАВЛАГИ ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Сабзавот илдизмевалар органик моддаларга бой ўтлоқ тупроқлар, ўғитланган қумоқ, енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади. Шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади. Лекин лавлаги кам шўрланган оғир соз тупроқли ерларда бошқа экинларга нисбатан яхшироқ ўсади. Ботқоқ ва шўр ерлар кўпчилик илдизмева ўсимликларига тўғри келмайди.

**Алмашлаб экишдаги ўрни.** Ош лавлаги дастлабки пайтларида жуда секин ўсади ва бегона ўтлар босиб кетади. Шу сабабли уларни бегона ўтлардан тозалайдиган картошка, бодринг, карам, помидор экинларидан кейин экиш тавсия қилинади.

**Навлар.** Ош лавлагини маҳаллий Диёр, Ягона ва чет мамлакатларни Бордо 237, Бикорес навлари, Боро F<sub>1</sub>, Пабло F<sub>1</sub>, нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

**Парваришлаш технологияси:** лавлаги уруғлари 4-5°C да униб чиқа бошлайди, ўсиб ва ривожланиб бориши учун энг қулай харорат 20-25°C дир. Лавлаги совуқ (-2-3°) ва юқори харорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Лавлаги уч муддатда экилади: баҳорги, ёзги ва тўқсонности. Баҳорги муддатда 1-15 март, ёзги муддатда 5-30 июн, тўқсонности муддатда 10 ноябр ва 10 декабрда. сепилади. Уруғ сарфи баҳорги ва ёзги муддатларда 14-16 кг, тўқсонности муддатда 16-18 кг. Экиш схемаси 50+20x8 см ёки сочма усулида экилади.

**Парваришлаш.** Уруғ униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва ягоналаш керак. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда қолдирилади. Бундан сўнгти парвариш экинларни вақтида суғориш, қатор ораларини культивация қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва зарарли ҳашаротларга қарши

курашдан иборат.

**Ўғитлаш.** Буз тупроқ ерларда соф холда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 50 кг калий солиш керак

Фосфор ўғитини йиллик микдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади.

## ШОЛҒОМ ва ТУРП ЕТИШТИРИШ

**Навлар.** Шолғомнинг Муяссар навини экиш тавсия этилади.

Турпни Марғилон маҳаллий, Андижон 9 навлари ва япон турпини (дайкон) Содиқ ва Куз хадяси каби навлари районлаштирилган.

Шолғомнинг Муяссар нави эрта баҳорда вақтинчалик плёнка қопламаси остида ҳамда ғалладан бўшаган майдонларда такрорий муддатда экилади. Эртаги муддатда етиштириш учун кеч кузда эгат олинади, эрта боҳорда кунлар илиши билан уруғлар пушта устига сочма ҳамда пушта устига лентасимон 2-3 қатор қилиб уруғлар экилади. Уруғ экилгандан сўнг дуга симлар қадалиб устидан плёнка тортилади. Кунлар қизиши билан ўсимликлар очиқ ҳавога чиниктирилиб, плёнкалар йиғишириб олинади. Ҳосил 45-50 кунда пишиб этилади.

**Экиш муддати.** Шолғом ва турп уруғи ёзда 1-15 августда, Салатбоп шолғом эрта баҳорда 10 февралдан 1- марта гача сепилади.

**Экиш схемаси.** Ҳар икки усулда ҳам эгат ораси 70 см қилинади. Уруғ СОН-2,8 сеялкада экилади. Икки қатор қилиб экишда сеялканинг сошниклари жуфт-жуфт қилиб ўрнатилади. Ҳар жуфтдаги сошник ораси 20 см қилинади. Сеялкага окучниклар тиркалиб эгат ҳам олинади. Ҳар гектарга турп уруғи 4-5 кг, шолғом уруғи 2-3 кг сарф бўлади. Турп уруғ 2 см, шолғом уруғи 1,5 см чукурликда экилади.

**Парваришлаш.** Уруғ униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак. Чунки ягана ўз вақтида қилинса ўсимликлар бир пайтда пишиб этилади, ҳамда товарбоп ҳосилдорлик юқори бўлади. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда қолдирилади. Бундан сўнгги парвариш экинларни вақтида суғориш, қатор ораларини қультивация қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва заарли ҳашаротларга қарши курашдан иборат.

**Ўғитлаш.** Буз тупроқ ерларда соф холда 125 кг азот, 93,7 кг фосфор, 62,5 кг калий солиш керак.

Фосфор ўғитини йиллик микдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг

пайдо бўлганда ўтказилади.

## ҚОВУН ва ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ

**Ер танлаш.** Полиз экинларига қовун, тарвуз ва қовоқ ўсимликлари киради. Полиз экинлари енгил қумоқ тупроқли бўз янги ўзлаштирилган ерларда яхши ўсиб, сифатли юқори ҳосил беради ва фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади. Ўтлоқ ерлар қовун экинига тўғри келмайди. Шўрланган майдонлар шўрини ювиб экиш тавсия этилади.

**Алмашлаб экиш.** Полиз экинлари учун энг яхши ўтмишдош экин бу ғалла ва бедадир. Эскидан ўзлаштирилган ерларда полиз экинлари карам, сабзи, маккажўхори ва шолидан кейин экилса фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади ва ҳосилдорлик ошади. Бир далага полиз 1-2 йил экилгандан кейин, у ерга 5-7 йилдан сўнг қайта экиш мумкин.

**Қовун навлари:** эртапишар Хандалак кўкча-14, Маҳаллий сариқ хандалак, эрта - ўртапишар Асати-3806, Тошлоқи-862, Роҳат, ўртапишар Йирик ичи қизил - 1233, Кўкча-588, Кўктинни-1087, Оби-новвот, Олтин тепа, Суюнчи-2, Олтин водий, кечпишар Кўй бош-476, Тўйёна, Зар Гулоби навларидир.

**Тарвуз навлари:** эртапишар Манзур, Ўринбой, эрта-ўртапишар, Дилноз, Шарқ неъмати, кечпишар Кўзибой-30, Хайит қора, Гулистон ва чет мамлакатларнинг Гранит, Крисби, Леди, Трофи, Кримстар ва Кримсон Свит F<sub>1</sub> дурагайлари районлаштирилган.

**Экиш муддатлари ва схемаси.** Қовун ва тарвузнинг эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкисини 15 майдан 10 июнгача экиш лозим.

Полизчиликда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чора - тадбирларни яхши наф беришини таъминловчи мухим шартдир. Кузда 35 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ерни ҳайдаш олдидан маъдан ва органик ўғитлар берилади.

Баҳорда тупроқда намни саклаб қолиш учун дала тишли бороналар билан бороналанади, экиш олдидан эса чизелланади. Полиз экинлари эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта ҳайдашнинг хожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта ҳайдаш зарур. Бунда тупроқни ағдармасдан туриб 22 см чуқурликда ҳайдаб чиқилади.

Полиз экинларини ер ҳарорати 14-15°C га етганда экишга киришилади. Қатор оралари 210-280 см ли кенг эгат олинади. Бундай эгатлар полиз экинлари қатор ораларини ишлаш вақтида тўрт ғилдиракли тракторларни ишлатишга имкон беради. Экиш шакли қовун учун (210+70) x 70, тарвуз учун (270+90) x 70 см. Уруғлар 3-6 см

чуқурликка экилади. Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади.

**Парваришилаш.** Полиз экинларини парваришилаш ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопик қилиш, суғориши, палакларни түғрилаш, бегона ўтлар ва зааркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва биринчи чопик вактида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан қатор ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳоллар униб чиққач 20-25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопик қилинади, дастлабки сув берилади, озиқлантирилади. Иккинчи чопик биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4 - 5 марта культивация қилинади.

**Ўғитлаш.** Полиз экинларидан 40-50 т, ҳосил олиш учун гектарига 75 кг азот, 75 кг фосфор ва 50 кг калий, органик ўғитлардан гектарига 30-40 т. солинади. Йиллик меъёрга нисбатан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70-75 фоизи асосий шудгорга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25-30 фоизи ва азотнинг 50 фоизи экиш олдидан берилади: азотли ўғитнинг 50 фоизи экинлар уч-тўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10-12 см чуқурликка солинади.

Қовун ва тарвуз ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб, уч - беш марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган кечки навлар эса бир марта йиғишириб олинади.

## КАРТОШКА

**Навлар.** Картошкани кўпроқ экилиб келинаётган навлари қуйидалар: чет мамлакатларнинг Роко, Кондор, Марфона, Романо, Курода, Санте, Аладин, Аринда, Диамант, Пикассо ва бошқалар ҳамда маҳаллий Тўйимли навларини экиш тавсия этилади.

**Экиш муддатлари.** Картошка баҳорда 25 феврал-10 марта, ёзда тезпишар, ўрта-тезпишар навлар 10-20 июлда, ўртапишар навлар 10-30 июнда ва ўртакечпишар навлар 10-20 июнда экиласди.

**Ўтмишдош экинлар.** Ўзбекистон шароитида картошка учун энг яхши ерлар бу намлик ва органик моддалар билан тўлиқ таъминланган агрофизик хусусиятлари яхши бўлган тоғ худудлар, тоғ олди ва қуи дарё бўйидаги гидроморф тупроқлар хисобланади. Картошка оч енгил ўрта қумоқли соз тупроқларда ҳам яхши ҳосил беради.

Картошка учун яхши ўтмишдош экинлар бу карам, бодринг, полиз экинлари, пиёз, илдизмевалар, бошоқли дон хисобланади.

## КАРТОШКАНИ ЭРТА МУДДАТДА ЕТИШТИРИШ

**Ер тайёрлаш.** Эрта баҳорда картошка экиш учун ерларни тайёрлаш октябр ойининг иккинчи ярми ёки ноябр ойининг дастлабки 15 куни мобайнида амалга оширилади. Бунда аввал майдонлардаги ўсимлик

қолдиқлари ЧКУ-4А русумли юмшатгич ва бороналар ёрдамида ташқарига чиқариб ташланади ёки КИР - 1,5Б русумли майдалагич ёрдамида майдалағ чиқилади. Кейин майдонларнинг нотекис қисми текислаш мосламалари билан текисланади.

Текисланган майдонларга фосфорли ва калий ўғитлари йиллик меъёрининг 70% ва хар гектар хисобига камида 25- 30 тоннадан маҳаллий ўғитлар РОУ-6 русумли ўғит сепиш мосламалари билан бир текис сепиб чиқилади. Ўғитлар сепиб бўлингач, майдонлар ПД-4-45 русумли плугда 30-35 см чукурлиқда хайдалиб, ЧКУ-4А русумли юмшатгич билан 18-20 см чукурлиқда кетма-кет юмшатилади, кейин эса КРН-2,8А русумли культиватор ёрдамида 70 см ёки 90 см оралиқда суғориш эгатлари олиниб экишга тайёрлаб қўйилади.

Эрта баҳорда экиш учун картошканинг эртапишар навларидан: Роко, Кондор, Марфона, Романо, Курода, Санте, Аладин, Аринда, Диамант, Пикассо ва бошқалар ҳамда маҳаллий Тўйимли, Зарафшон навларини экиш тавсия этилади.

**Уруғликни экишга тайёрлаш.** Картошка хосилини ошириш, сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни баҳорги муддатларда экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда хосилни 12-15% ошириб, 10-15 кун эрта пишишига имкон беради.

Уруғлик картошкани ундиришга қўйиш олдидан сараланиб, чириган, эзилган ҳамда касалга чалингандаридан ҳоли қилиниб, соғлом тоза туганаклар ундириш хоналарига қўйилади.

Уруғлар ундириш хоналарига далага экишдан 30-35 кун олдин қўйилади.

Ундириш хонасида ёруғлик ва 18-22<sup>0</sup> С даража иссиқ харорат яратилиши лозим. Уруғликлар майда йириклигига қараб (40-60, 60-80, 80-100 гр) саралаб ундириш хонанинг полларига, сўқчакларга (стеллаж) 2-3 қатламдан оширмай ёки 12-20-25 кгли яшикларга қўйиш лозим. Уларни яшил нишлари экиш давригача 0,5-1 см дан ошиқ ўсиб кетишига йўл қўймаслик лозим (сажалкада экиладиган бўлса), акс холда экиш даврида синиб кетади. Агар қўлда қўйиб кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, нишларини 3-4 см гача ўстириб экилса ундан ҳам яхши бўлади. Уруғликларни катта кичикларига қараб алоҳида экилади. Бунда ўсимликларни ердан униб чиқиши, ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосил етилиши бир хил бўлишини таъмин этади.

Оғирлиги 100 г дан катта туганакларни баҳорда экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади. Туганаклар кесилганда уларни униб чиқиши бироз кечикади.

**Экиш ва парваришлаш.** Картошкани экиш олдиндан тайёрлаб қўйилган майдонга СН-4Б, КС-4 русумли экиш мосламаси ёрдамида, кичик майдонларда қўлда кетмон билан экиш амалга оширилади. Экиш чукурлиги 7-9 см ни, оралиғи эса 70 x 30 ёки 90 x 25 см ни ташкил этилиши лозим. Экиш тугаллангач, уруғлар униб чиқадиган давргача ёғингарчилик

кўп бўлиб, эгат устида қатқалоқ вужудга келган майдонларга уруғларнинг бир текис, тўлиқ униб чиқишини таъмин этиш учун сеткалик енгил бороналар ёрдамида бир-икки маротаба ишлов берилади. Бу ишни кичик майдондаги томорқа, дехқон - фермер майдонларида хаскаш билан эгатларни устига ишлов берилса қатқалоқ бузилиб бир йўла чиқиб келаётган ўтлар ҳам йўқотилади. Экилган картошка уруғлари ердан тўлиқ униб чиққач қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида КРН-2,8 А русумли юмшатгич билан 14-16 см чуқурликда юмшатилади. Бунда 10-12 см ҳимоя майдони қолдирилади.

Эртаги картошкадан юқори ҳосил олиш учун ўсимликларни ўсув даври давомида ўтлоқи тупроқли майдонларда 4-6 маротаба, бўз тупроқли майдонларда эса 5-7 маротаба суғориш тавсия этилади. Ҳар икки суғориш оралиғида қатор оралари 10-12 см чуқурликда юмшатилади. Бу тадбир КРН -2,8 А русумли юмшатгич билан ўсимликлар шоналагунча амалга оширилади.

### **Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг зааркунанда ва касалликларига карши кураш усуллари**

#### **Зааркунандалар:**

**Помидор занг канаси** (*Aculops lycopersici* Massee), очик дала ҳамда иссиқхонадаги етиштирилаётган помидор ва картошка экинларига катта зарар келтиради..

**Кураш чоралари.** *Агротехник* кураши: Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш.

**Биологик кураши:** занг канасига қарши биологик кураш учун олтинқўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда сонига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** занг канасининг миқдори 5 % дан кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини кўллаш тавсия этилади; омайт 57% к.эм. - 1,5 л/га (етук зотига, личинкасига); нискоран 10% н.кук. – 0,1 кг/га (тухумига); флумайт 20% сус.к. - 0,2 л/га (етук зотига, личинкасига); ортус, 5% сус.к. – 0,75 л/га (етук зотига, личинкасига); вертимек, 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га (етук зотига, личинкасига).

**Ўргимчаккана** (*Tetranychis urticae* Koch) ҳаммахўр зааркунанда ҳисобланиб, у 250 дан ортиқ ўсимликларни заарлаб, сабзавот экилган ўсимлик ҳосилининг 50 % га яқинини йўқотиш мумкин.

**Кураш чоралари.** *Агротехник*: Кузда даладан ўсимлик қолдиқларини олиб чиқиб ташлаш, ерни чукур қилиб шудгорлаш зарур. Экилган майдон атрофларини бегона ўтлардан тозаланади.

**Кимёвий усул:** омайт 57% к.эм. - 1,5 л/га (етук зотига, личинкасига); нискоран 10% н.кук. – 0,1 кг/га (тухумига); флумайт 20% сус.к. - 0,2 л/га (етук зотига, личинкасига); ортус 5% сус.к. – 0,75 л/га (етук зотига, личинкасига); вертимек 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га (етук зотига, личинкасига) кўллаш зарур.

**Оққанот** - Очиқ далада ва иссиқхоналарда помидор ва бошқа сабзавот экинларига оққанотларнинг учта тури учрайди: иссиқхона оққаноти (*Trialeurodes vaporariorum* West), гўза оққаноти (*Bemisia tabaci* Gtnn) ва карам оққаноти (*Aleurodes proletella* L) жиддий зарар келтирмоқда.

**Кураш чоралари. Агротехник кураши:** Юқори агротехника асосида соғлом ўсимликларни ўстириш.

**Биологик кураши:** оққанотга қарши биологик кураш учун уларнинг зичлигига қараб, энкарзия паразитини оққанот личинкаларига қарши 1:20, 1:10, 1:5 нисбатларда, олтинкўз личинкаларини қўллаш. Оққанотнинг етук зотларига қарши эса сариқ тусли елим суртилган экранларда тутиш.

**Кимёвий усул:** оққанотнинг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: аппловуд 25% н.кук - 0,5кг/га, моспилан 20% н.к. - 0,15 л/га; конфидор 20% эм.к. - 0,3-0,4 л/га; дельтафос 36% эм.к. - 1,25-1,5 л/га ва бошқа рухсат этилган препаратлар билан ишлов берилади.

**Ўсимлик битлари** (*Aphididae*) сабзавот экинларини заарлайди ва айрим йиллари ҳосилдорликни 50 % гача камайтириши мумкин.

**Кураш чоралари.**

**Агротехник кураши:** алмашлаб экиш, ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, қўллатиб суформаслик.

**Биологик кураши:** сабзавотлардаги ўсимлик битларига қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда сонига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** ўсимлик битларининг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: моспилан 20% н.к. - 0,15 л/га; карбофос 50% эм.к. - 0,6 л/га; пилармос 20% н.к. - 0,15 л/га; камилот 20% н.кук.- 0,15 л/га; калипсо 48% сус.к. - 0,05-0,07 л/га; дельтафос 36% эм.к. - 1,0 л/га; вертимек 1,8% эм.к. - 0,4 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Ғовак ҳосил қилувчи пашшалар** (*Agromyzidae*, *Liriomyza congesta* Beck.). Ғовак ҳосил қилувчи пашша ҳаммахўр бўлиб, турли оиласга мансуб экинларни усув даврининг ҳаммасида заарлайди.

**Кураш чоралари.**

**Агротехник кураши:** Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш.

**Биологик кураши:** ғовакловчи пашшага қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда сонига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** ғовакловчи пашшанинг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: суми-альфа 20% эм.к. - 0,6 л/га; конфидор 20% эм.к. - 0,25 л/га; вертимек 1,8% эм.к. - 0,6 л/га; карбофос 50% эм.к. - 0,6 л/га қўллаш тавсия этилади

**Гўза тунлами** (*Helicoverpa armigera* Hbn). Помидорнинг ўсув нуқтасига биттадан, айрим холларда иккитадан тухум қўяди. Тухумдан чиқсан 1-ёшдаги қуртлар олдин ўсув нуқтасидаги барглар билан озиқланиб,

кейинчалик 2-3 ёшдагилари шона ва гулларни заарлаб, катта ёшдаги қуртлари эса мевани заарлайди ва уни истеъмолга яроқсиз қилиб қўяди. Тухумдан чиққан қурт 25-30 кун ривожланиб шона, гул ва меваларни кемириб ичиға кириб олади ва заарланган ҳосил нобуд бўлади.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник кураши:** кузги шудгор ва ўсимликни ўсув даврида юқори агротехника ишларини амалга ошириш.

**Биологик кураши:** капалак уча бошлаб, ҳар кечада бир тучқичда ўртача 2-3 дона капалак тутилса, шу далага дарҳол трихограмма кушандасини белгиланган йўналишда қўйиш, қуртлар пайдо бўлса, ҳар гектарига 1:10, 1:15 нисбатда бракон кушандасини чиқариш ёки лепидоцид 1.0 кг/га, пристиж плюс э.к. -2.0л/га микробиолог препаратларни икки марта (ҳар 7-10 кунда) пуркаш. Бу тадбирларни ғўза тунламининг ҳар бир бўғинига қарши ўтказиш лозим.

**Кимёвий кураши:** помидорда кўсак қуртининг зарари ўртача ҳар 4 та ўсимликка битта ёш қурт тўғри келса кимёвий ишлов ўтқазилади. Бунда аваунт (далинка ) 15% э.к – 0.4 л/га, бензофосфат (золон) 35% э.к – 2.3л/га, децис 10 % э.к.- 0.2 л/га,. тайшин с.д.г. 0.1-0.12 л/га препаратлари қўлланилади.

**Кузги тунлам** (*Agrotis segetum* Den.et Schiff.). Республикамиз шароитида ҳамма жойда учрайди. Кузги тунлам Ўзбекистон шароитида иссиқхоналарда ривожланиб, эрта баҳорда эртаги экинлар, август-сентябр ойларида эса кечки экинларни заарлайди.

**Кураш чоралари.** **Агротехник кураши:** кузги шудгор ва ўсимликни ўсув даврида юқори агротехника ишларини амалга ошириш, чертмакчи ва қора қўнғиз личинкаларига қарши тупроқни юмшатиш, физикавий ҳолатини яхшилаш.

**Киёвий кураши:** сабзавот экинлари ҳар бир  $m^2$  да 1-2 та ортиқ кузги тунлам ва симқурт личинкаси аниқланганда амалга оширилади. Бунинг учун пиретироид инсектицидлар, айниқса децис 2,5% э.к - (0,7 л/га) трактор ёрдамида пуркаб, кетидан культивация ўтказиш ва сув бериш яхши натижа беради.

**Колорадо қўнғизи** (*Liptinotarsa decemlineata*) картошканинг энг хавфли зааркунандаси бўлиб, республикамизнинг барча вилоятларида тарқалган.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник кураши:** алмашлаб экиш, қатор ораларига ишлов бериш, уларнинг миқдори кам бўлганда қўл кучи билан териб йўқотиш.

**Кимёвий усул:** колародо қўнғизининг миқдори қўп бўлганда қўйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: Адонис 4% э.к. - 0,25 л/га; регент 20% сус.к. - 0,03-0,04 л/га; циракс 25% к.э. - 0,1-0,16 л/га; циперметрин 25% к.э. - 0,16 л/га; конфидор 20% к.э. - 0,05 л/га; каратэ 5% к.э. - 0,1 л/га сарф меърида қўллаш тавсия этилади.

**Картошка куяси** (*Phihorimaea operculella* Zell.) нинг капалаги майдада (12-16 мм) бўлиб, жуда харакатчанг, кулранг. Иссиқ кунлари кундузи пана

жойларда беркиниб, тонгда ҳамда номозшомда фаол учиб харакатланади. Урчиган урғочи капалак 20 кунлар давомида жами ўртача 150 та тухумни баргларнинг остига якка-якка қилиб қўяди.

### **Кураш чараси.**

Уруғлик учун мўлжалланган картошкани қузда микробиологик дори – лепидоциднинг 1% лик сувдаги эритмасига “чўмилтириб” олиш. Картошка экилган далада куюнинг қуртлари пайдо бўлса кимевий усулдан фойдаланиш зарур.

**Кимёвий усул:** қўйидаги инсектицидларнинг бирортасини бир йўла бошқа зааркунандаларни ҳам назарда тутиб, ишлатса бўлади: конфидор 20% с.э.к. (багира) -0,3 л/га, моспилан 20% н.кук – 0,2 кг/га, циперфос 55% э.к-1,0 л/га, каратэ 5% - (атилла) – 0,4 л/га, вертимек1,8% э.к. – 0,3 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилади.

**Карам бити** (шираси) *Brevicoryne brassicae* – Карам оиласига мансуб бўлган экинларнинг барчасини заарлайди.

### **Кураш чоралари**

**Агротехник тадбирлар:** қишловчи бутгулсимон бегона ўтларни, карам қолдиқларини даладан йўқотиш; карамни чидамлилигини ошириш тадбирларини (қўшимча озиқлантириш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, қўллатмасдан суғориш) ўtkазиш;

**Биологик усул:** Олтинкўз энтомофагини 3-4 кунлик тухумларидан 1:10, 1:20 нисбатларда 10 кун оралатиб 2 марта карамларга қўйиб чиқиши.

**Кимёвий усул:** 5-10% ўсимликда шира тўдалари пайдо бўлгач децис, 2,5% эм.к. - 0,3 л/га; фуфанон 57% эм.к. – 0,6-1,2 л/га; фьюри 10% с.э.к. - 0,3 л/га ва бошқа рухсат этилган препаратлар билан ишлов берилади.

**Карам оқ капалаги** (*Pieris brassiae*) қуртлари карам баргларини ёппасига кемириб, баргларнинг факат йўғон томирларинигина қолдиради. Апрел-май ойларида капалаклари учиб чиқиб оталанган урғочи зотлар ҳар бири 250-300 тухумларини карам баргларига тўп-тўп қилиб қўяди.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** бутгулсимон бегона ўтларни, айниқса гуллаётганларини зудлик билан йўқотиш.

**Биологик усул:** карам оқ капалагини тухумига қарши трихограмма энтомофагидан 1 граммдан ҳар бир авлодига 3 марта 4-5 кун оралатиб тарқатилади; ўрта ва катта ёшдаги қуртларига қарши 1:20; 1:10; 1:5 нисбатларда бракон энтомофаги тарқатилади.

**Кимёвий усул:** 5% ўсимликда зааркунанда тухум ва қурти мавжуд бўлса децис 2,5% эм.к. - 0,3 л/га; фуфанон 57% эм.к. – 0,6-1,2 л/га; кинмекс 5% эм.к. - 0,15-0,2 л/га; суми-альфа 5% эм.к.-0,2 л/га; суперкилл 25% эм.к.- 0,16 л/га, циракс 25% эм.к. - 0,16 л/га; циперметрин 25% эм.к. – 0,1 л/га препаратларининг бирортаси билан ишлов берилади.

**Қовун пашшаси:** Пашша етук зотининг ранги оч сарик, узунлиги 5,5-6,5 мм, кўкрак қисми олтинранг майда тукчалар билан қопланган, кўкрагини устида 2 та очроқ тасмасимон доғлари мавжуд. Ғумбак фазасида тупроқ-нинг 10-20 см қатламида қишлиайди ва майнинг иккинчи декадасидан

уча бошлайди. Битта урғочи пашша 98-130 та тухум құяды. Бизни шароитда 3-4 авлод беради.

**Агротехник кураш:** алмашлаб экиш, үсимликтің қолдиқларидан тозалаш, қатор ораларига сифатлы ишлов бериш, кузда яхоб сув бериш, чукур хайдаш.

**Кимёвий усул:** қовун пашшасига қарши биринчи ишлов үсимликларни нихоллик давридан бошлаб 3-4 марта кимевий кураш үткәзіш талаб этилади; энджео 24,7% с.к.-0,3л/га, конфидор 20% эм.к. – 0,25 л/га; вертимек 1,8% эм.к. – 0,6 л/га; агрофос 55% к.э- 1,5 л/га, карбофос 50% эм.к. – 0,6 л/га, моспилан 20% (нестор) н.кук бирини қўллаш қўллаш тавсия этилади

### **Асосий касалліктер**

**Ун шудринг:** бодринг ва полиз әкинларини кучли заарлайди, баргларда оқиши доғлар пайдо бўлади, кейинроқ улар сарғаяди ёки қўнғир тус олади, барглар олачипор бўлиб қолади. Баргнинг остки томонида майнин оқиши ёки оч кулранг моғор қатлами ҳосил қиласи. Юқори намлик шароитида бу қатлам кулранг ёки бинафша тус олади. Заарланган барглар қотиб, қуриб қолади.

**Кураш чоралари.** **Агротехник:** үсимликтің қолдиқларини даладан чиқариб ташлаш, алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатлы ишлов бериш. Далага органик ва минерал ўғитлар меъерида солиш тавсия қилинади.

**Кимёвий усул:** үсимликларни ўсув даврида әкинида касаллікнинг биринчи белгилари кўриниши билан помидор үсимликларига профилактика учун топсин М 70%н.кук.-1,0кг/га, риддомил голд мц 68% с.д.г -2,5кг/га, курсат Р -2,5кг/га препаратларини бири билан пуркаш.

**Ризоктониози.** Замбуруғ помидор, баклажон, ширин калампир ва бошка әкинларни кучли заарлайди. Илдиз бўғзида бироз ботик, қўнғир ёки қизғиши қўнғир доғлар пайдо бўлади. Илдиз тукчалари чириб туксиз бўлиб қолади, барглари сарғаяди ва пасткиларидан бошлаб аста секин қурийди.

**Кураш чоралари.** **Агротехник:** алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатлы ишлов бериш, кўллатиб суформаслик, уруғ әкишдан олдин иссиқхоналардаги тупрокни дизенфекция килиш, далага органик ва минерал ўғитлар балансини сақлаган ҳолда солиш.

**Фузариоз сўлиш касаллиги** (*Fusarium spp*). Барча үсимликларни ўсиш ва ривожланиш фазаларida заарлайди. Бунда үсимликларни пастки ярусдаги баргларда сарғиш, сўнгра қўнғир доғлар пайдо бўлади ва улар юқори ярусдаги баргларга ўтиб сўлишни бошлайди ва кейинчалик қуриб қолади.

**Кураш чоралари.** **Агротехник:** алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатлы ишлов бериш, кўллатиб суформаслик.

**Фитофтороз касаллиги.** Касаллик үсимликларни гуллаш пайтида бошланади. Барглар қўнғир ёки тўқ-қўнғир тус олади, барглар орқаси моғор қатлами пайдо бўлади ва қуриб қолишга олиб келади.

**Кураш чоралари.** **Агротехник:** үсимликтің қолдиқларини даладан

чиқариш, чидамли навлар экиш, жўякларни баланд олиш, экишдан олдин уруғни самарали уруғ дорилагич билан дорилаш, алмашлаб экиш, олдинги йили помидор ёки картошка экилган далаларга экмаслик, минерал ўғитларнинг меъерида бериш.

**Кимёвий усул:** ўсув даврида экинда касалликнинг биринчи белгилари кўриниши билан ўсимликларга профилактика учун риддомил голд мц 68% с.д.г -2,5кг/га, курсат Р -2,5кг/га, превикур sl 1.5л/га пуркаш;

**Қўнғир доғланиш касаллиги.** Касаллик помидорнинг гуллаш-мева тугиш пайтларида бошланади ва асосан баргларни заарлайди. Унинг биринчи белгилари – пастки барглар устида сариқ ёки оч-яшил доғлар, барглар остида эса (ўша доғларнинг тагида) рангиз, сарғиш ёки оч-қўнғир доғлар пайдо бўлишидир.

**Кураш чоралари.** *Агротехник* Чидамли навлар экиш, алмашлаб экишни йўлга қўйиш, уруғликни экишдан олдин самарали фунгицид (витавакс 200 ФФ) билан дорилаш.

**Кимёвий усул:** ўсиш даврида байлетон 25% н.кук. -0,5-1,0 кг/га, вектра 10% сус.к. 0,3 л/га, топсин-М 70% н.кук. 1,0 кг/га, фоликур БТ 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, 1% ли Бордо суюқлиги, мис оксихlorиди 90% нам. кук. 2,4 кг/га тавсия қилинади.

**Бодринг мозаикаси.** Помидорда касалликни бодринг мозаикаси вируси қўзғатади. Помидордан ташқари юзлаб ўсимлик турларини заарлайди. Касал ўсимликларнинг бўйи ва поя бўғин ораларининг узунлиги камаяди, барглар ингичкалашиб, баъзилари деярли ип шаклига киради.

**Кураш чоралари.** Уруғни экишдан олдин 52<sup>0</sup> С да 48 соат давомида, 80<sup>0</sup> С 24 соат давомида заарсизлантириш. Нихол етиштириш жараёнида 2 марта ёғи олинган сутнинг 10% эритмаси билан профилактик ишлов бериш.

**Тамаки мозаикаси.** Вирус ўсимлик ўсишини ва ҳосил тугишини кечиктириши мумкин. Баъзан помидор мевалари заарланади ва уларнинг устида қўнғир доғлар пайдо бўлади.

**Кураш чоралари.** Ўсув даврида вируслар билан касалланган ўсимликлар хар-хил микроэлементлар билан яъни марганец, рух, цинк, бор, молибден, йод кабилар билан дориланади.

Юқорида келтирилган препаратлар очиқ майдонларда гектарига 600 л, ёпиқ майдонларда 1 тонна сувга аралаштириб сепилади. Пуркаш ишлари қўл ёки тракторга тиркалган аппаратлар орқали ўтказилади. Кимёвий дорилар билан ишлаганда, албатта мутахассис назорати ўрнатилиши зарур.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	4-5
Помидор етиштириш.....	5-8
Ширин қалампир ва бақлажон етиштириш.....	8-9
Бодринг етиштириш.....	9-11
Оқ бош карам етиштириш.....	11-13
Пиёз етиштириш.....	13-15
Сабзи етиштириш.....	15-17
Ош лавлаги етиштириш.....	17-18
Шолғом ва турп етиштириш.....	18-19
Қовун ва тарвуз етиштириш.....	19-20
Картошка.....	20-22
Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг зааркунанда ва касалликларига қарши кураш усуллари.....	22-27